

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI HILLIY KITCH PALATASI

Давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2009 йилда 56,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 59 фоиздан ошади.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-йил • 5-январ • Seshanba • 2 (30.122) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

2010 йил — баркамол авлод йили!



**«БУГУН
ҲЕЧ КИМГА
СИР ЭМАСКИ,
БИЗ ЯШАЁТГАН
XXI АСР —
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
БОЙЛИК
ҲУКМРОНЛИК
ҚИЛАДИГАН
АСР»**

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2010 йил бошланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, компаниялар бошлиқлари ўзларининг самимий табриқларини йўллашмоқда. Уларда Юртбошимизга ҳамда Ўзбекистон халқига тинчлик ва осойишталик, соғлиқ ва саломатлик, олиб бо-

рилаётган ишларда ютуқ ҳамда омадлар изҳор этишдек эзгу ниётлар билдирилган. Жумладан, қуйидагилардан Янги йил қутловлари олинди: Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти Абдулазиз Бутефлика; Киргизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев; Арманистон Республикаси Президенти Серж Сергсян;

Грузия Президенти Михаил Саакашвили; Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон; Корея Халқ Демократик Республикаси Давлат Мудфоа қўмитаси Раиси Ким Чен Ир; Бельгия Қироллиги Бош вазири Ив Лертерм ва бошқалар ўз табриқларини йўллаганлар. Самимий табриқлар келиши давом этмоқда.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аҳолини ижтимоий муҳофазалашни янада такомиллаштиришга хизмат қилади

Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолининг манфаатларини таъминлаш Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишини ташкил қилади. Ўзбек модели сифатида тан олинган муваффақият тараққиёт йўлимизнинг негизда машҳур беш тамойилдан бири — кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш экани бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида эл-юртимиз ҳаётига кес-

кин салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларни имкон қадар қамайтириш, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим ва ногиронлар, талаба ва пенсионерларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этиш бўйича кенг қўламли ва қамровли ишлар амалга оширилди.

Ушбу йўналишдаги тадбирлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланган мураккаб шароитда ҳам изчил давом этди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатимизда меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини қўлайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш энг муҳим устувор йўналишлар сифатида белгиланган. Утган 2009 йилда аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга, ойлик

иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошди. Давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 2009 йилда 56,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 59 фоиздан ошади. Хар ким кексайганида, меҳнатга лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга экани Конституцияимизда мустаҳкамланган. «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида давлат пенсияларининг ягона тизими, уларни тайинлаш, ҳисоблаш чиқариш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиби белгиланган. Давоми 2-бетда

Фармон ва ижро

Ўз мухбирларимиз хабар қилади

Янги йил туҳфаси

Пешку туманидаги «Қалаймиришқор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда Баркамол авлод йили ўзига кайфият билан кутиб олинди. Бу ерда «Варахшо» болалар спорт мажмуаси қурилиб, болалар ихтиёрига топширилди. Мазкур ишнинг қурилиши учун Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали 110 миллион сўм ажратган эди. Эндиликда Маҳалла, Қалъа, Толисобун, Қудрашех қишлоқлари ёшлари мазкур мажмуада спортнинг баскетбол, волейбол, эркин кураш, стол тенниси каби ўнга яқин тури билан шугулланади.

Даврон БАҲРОНОВ

Меҳрибонлик уйида

Сурхондарё воҳасининг олис қишлоқ ва овулларида ҳам Янги йил шоду хуррамлик билан кутиб олинди. — Президентимизнинг совғаларидан беҳад қувондик, — дейди Бойсун туманидаги 12-сон Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Володина Вероника. — Янги йил менда катта таассурот қолдирди... — Айна кунларда масканимизда 101 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Муҳаммади Норқулов. — Мустақиллик йилларида Президентимиз ва ҳукуматимизнинг гамхўрлиги билан бу ерда қўллаб-қўлловчи ишлар амалга оширилди. Баркамол авлодни тарбиялаш учун етарли шароит яратилган.

Абдумалик ҲАЙДОРОВ

Халқаро ахборот тизимида уланди

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида вилоятда 205 та умумтаълим мактаби, 42 та касб-хунар коллежи, 55 та мактабгача тарбия муассасаси халқаро ахборот тизимида уланди. — Баркамол авлод йили арафасида халқаро ахборот тармоғи хизматидан баҳраманд бўла бошладик, — дейди Дўстлик туманидаги 5-умумтаълим мактабининг аълочи ўқувчиси Дилфуза Сулаймонова. — Эндиликда интернетда ўз веб-сайтимиз бор, ўзимизни қизиқтирган мавзулар бўйича ахборотлар билан танишиш, маълумотлар тўплаш ва улардан фойдаланиш имконига эгамиз. Ўзбекистон ахборот ва алоқа агентлигининг вилоятдаги ҳудудий бошқармасидан маълум қилинишича, тааллуқли ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда олис қишлоқлар аҳолисининг ҳам халқаро ахборот тармоғи хизматларидан баҳраманд бўлишига эришиш чора-тадбирлари қўрилляпти. Хусусан, яқин бир ой ичида яна етти та умумтаълим мактаби ва тўртта касб-хунар коллежи «ZiyoNet» тизими орқали халқаро ахборот хизматидан фойдаланадиган бўлади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ



4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов олиб борди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 11- ва 48-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари куриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов округларида ҳамда Ўзбекистон Экология ҳаракатининг Конференциясида сайланган депутатлар рўйхатга олинди.

Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округида 4 нафардан номзод, 36 та сайлов округида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчининг фамилияси киритилиб, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

2-бет

ФИЛЬТРЛАР ШАҲРИХОНДА ТАЙЁРЛАНАДИ

Шаҳрихонда «Valencia» инвестиция компанияси кўмагида ташкил этилган «SDK GROUP AND» хориж корхонасида «General Motors — Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун ёнилғи, мой ва ҳаво филтрларининг дастлабки намуналари тайёрланди.

«SDK GROUP AND»нинг намунавий маҳсулотлари Асака автомобиль заводи лабораторияларида синовдан ўтказилди. Бундай маҳсулотларнинг ўзи-мизда ишлаб чиқарилиши, табиийки, анча арзонга тушади. Мутахассисларнинг ҳозирги ҳисоб-китобларига кўра, бир сменада 500-1500 дона ёнилғи, 5000-7000 та мой ва 2000-2500 дона ҳаво филтрлари ишлаб чиқариш имкони яратилди. Янги маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилгач, кўллаб ёшлар, хотин-қизлар муқим иш ўрнига эга бўладилар.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЭНГ ЯХШИ ИМОРАТ **2**

Янги йилнинг дастлабки 4 куни **3**

ҲАҚИҚИЙ ГЕНЕРАЛ ЭДИ **4**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 30 декабрда қабул қилинган «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу механизм самардорлигини оширишни кўзда тутди. Мазкур ҳужжатда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотига йўналтирилган

(Давоми. Боши 1-бетда)

маблағлардан мақсадли фойдаланиши устидан назоратни кучайтиришга хизмат қиладиган қатор янгиликларни жорий этиш белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонига кўра, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўлалигини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда ташкил этиладиган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Аини пайтда ҳужжат-

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ – ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

да Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча вазифалар юклатилган. Янги тузилма фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдори қайта ҳисоблаб чиқилиши таъминлади. Меҳнат майлиги ёки

касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларга доир муносабатларни амалга оширади. Пенсия таъминоти тизимига киритилган бундай янгилик фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш самардорлигини ошириш, тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш имконини беради. Зотан, фуқароларга пенсия тайинлашнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, мав-

жуд ижтимоий ҳимоятимизнинг самардорлигини оширишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Мамлакат иқтисодий салоҳияти ва одамлар ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ ушбу масалада белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилиниши таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибиде бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тегишли бўлимлар ташкил қилинади. Улар томонидан янги тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши тўғрисида, шу жумладан фуқароларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида бирламчи ҳужжатлар-

нинг тўлиқлиги ва ишонарлигини текшириш йўли билан ёппасига текширувлар амалга оширилади. Ишловчи пенсионерларга мулкчилик шаклидан қати назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан пенсиялар ҳамда нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўлалигини тўғрилигини режа асосида текширилади. Бу эса ўз навбатида фуқароларга пенсия ва нафақалар ўз вақтида ва тўлиқ тўлалигининг тизимли мониторингини олиб бориш, қондабузарликларга қарши тегишли чораларни кўриш имконини беради. Нурунийларга, ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ноги-

ронларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Эл-юртимизга хизмати синган, катта ҳаётий ўғитлари билан ибрат бўлиб келадиган муҳтарам факрийлар ва пенсионерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар соғлом ва мазмунли умр кечириши учун барча шарт-шароитни яратиш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатлар бунинг ёрқин далилидир. Президентимизнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади. **Хусниддин БЕРДИЕВ, ЎЗА шарҳловчиси**

Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил августда қабул қилган Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қарори асосида Қашқадарё вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Фузор туманида турар-жой ноёлари қурилиши жадал олиб борилмоқда.



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Овоз беришда сайловчиларнинг Қорақалпоғистон Республикасида 90,9 фоизи, Андижон вилоятида — 88,9 фоизи, Бухоро вилоятида — 87,1 фоизи, Жиззах вилоятида — 89,8 фоизи, Навоий вилоятида — 88,3 фоизи, Наманган вилоятида — 87,4 фоизи, Самарқанд вилоятида — 89,3 фоизи, Сирдарё вилоятида — 91,4 фоизи, Сурхондарё вилоятида — 89,1 фоизи, Тошкент вилоятида — 88,1 фоизи, Фарғона вилоятида — 85,8 фоизи, Хоразм вилоятида — 88,3 фоизи, Қашқадарё вилоятида — 88,1 фоизи, Тошкент шаҳрида — 81,9 фоизи иштирок этди.

Шундай қилиб, овоз беришда барча 135 та сайлов округида рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 33 фоизидан ортиги иштирок этди ва сайлов қонунчилигига мувофиқ уларда сайлов ўтган, деб ҳисобланади. Овоз бериш натижаларига кўра, 96 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 33 нафари — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясида, 25 нафари — Ўзбекистон «Миллий тикла-

ниш» демократик партиясида, 22 нафари — Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ва 16 нафари — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясида. Сайланган 96 нафар депутатнинг 19 нафари ёки 19,8 фоизи хотин-қизлардир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 39 та сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур овозни тўплай олмади. Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2009 йил 30 декабрь куни мазкур округларда қарор овоз беришни 2010 йил 10 январда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

(ЎЗА)

ЭНГ ЯХШИ ИМОРАТ

аввал кўнгулда бино бўлади



ҳамма қулайликларга эга. Лойиҳалар Тошкентдаги лойиҳалаш институтида тайёрланган. Қурилиш ташкилоти танловдан ўтган. Очиги, сифат учун қаттиқ тўраямиз...

Шу қишлоқдаги 20 та янги уй қурилишини «Бунёдкор Камол» хусусий қурилиш фирмаси олиб бораётган. У бош пудратчи. Қизиги шундаки, ёрдамчи пудратчи «XXI аср» фирмаси экан. Бу хусусий қурилиш ташкилоти раҳбари — Ка-

бири 2 тадан хонадонга мўлжалланган 5 та қўшқаватли ва 10 та бир қаватли уйлар асосан тикланган. Уйлардаги миллий мейморчилигимиз унсурлари, бир қаватли уйлар олди пешайвон қилинаётгани эътиборимизни тортди. Биров қоришма тайёрлаётган, биров гишт тараёпти, биров унга кўмаклашаёпти. Қўшқаватли уйнинг томида пештахталарни қоқабдан 60 ёшларни қоралаган дурадгор Жума Тошев бир майдон ишини тўхта-тиб, саволларимизга жавоб берди.

— Каттиқроқ гапираверинг, англамай турибман, — дейди у тешасини ёғочга қадаб кўярган. — Ҳа, мана, гапнинг етиб келди. Энди, шу касбнинг бошини тутганимга ўттиз йилдан ошди. Одамларга юзлаб уй қуриб бердим. Ана шу уйларда яшаб, бола-чака ортираётган кишиларни кўрсам, касбимдан, одамларга нафим тегаётганидан севинаман. Дурадгорликни ёшлиқдан ўрганиш керак. Уч ўғлим ҳам уста. Хув, ана ёғоч кесаётгани ўғлим бўлади. Ушандан сўранг, биз ишдан қолмайлик...

— Аррани бирпас тўхтаб тур, — дейди шеригига Жума аканинг ўғли Алишер. — Еттинчи синфда ўқиётганимдаёқ, отам кўлимга арра ва теша тутқазганлар. Бора-бора шу касбга меҳр қўйдим. Бу янги иморатлар пишдик гишдан, кўп йиллар одамларга бошлана бўлади. Насиб этса, келгусида ўзимизга ҳам шундай уйлардан қуриб оламиз.

Мени ўйлантирган масалалардан бири — гишнинг кўп ва пишдиклиги, иккинчиси шу уйларда

яшайдиган оилаларнинг хоҳиш-истаклари эди. Шу жойда бўлажак хонадон соҳибларидан бири Илёс Нурмуродов билан танишиб, суҳбатлашдик.

— Касбим бўйича иқтисодчиман, — дейди у. — Уйдагилар билан маслаҳатлашиб, 20 миллион сўм маблағ тўплаб топширдик. Яна банкдан 33 миллион 600 минг сўм кредит ажраттирдик. Ун беш йил ичида тўлаб борар эканмиз. Уч нафар фарзандим бор. Насиб этса, янги уйга кўчиб кирамиз. Бу уйлар пишдик-пухта қилиб қуриляпти, ҳамма шароитлари бор.

— Агар хонадон эгаси уйи ичида қўшимча қулайликларни истаса, — суҳбатга қўшилиди Камол Пардаев, — ўз маблағи ҳисобидан ўша ишларни бажариб бераверамиз. Энди гишт ҳақидаги саволингизга келсак, гишт ишлаб чиқарадиган 5 та хусусий корхонадан махсус олаёямиз. Яқкабоғ заводининг гишти анча сифатли, бироқ масофа узоқ, қимматга тушяпти. Фузор, қўшни Қамаш туманидаги корхоналардан келтиряёямиз гиштни.

Кекса қурувчилар айтишича, Юртбошимиз Қаршқадарё вилоятда ишлаган кезлари бир неча авлодлар яшайдиган, вақт юкига бардош берадиган уйлар қуриш керак, деган эдилар. Мана, энди бу орзулар амалга ошмоқда. Энг кўркам иморат аввал кўнгулда бино бўлади, деб бежиз айтилмаганда.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Ражоб ХОЛОВ олган суратлар.

Соғлом оид — соғлом бол

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган изчил чора-тадбирлар замирида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам.

Мазкур соҳадаги бирламчи бўлин — қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларнинг замонавий тиббий жиҳозлар, малакали мутахассислар билан таъминланаётгани, Республика шошилич тиббий ёрдам филиалларининг фаолияти такомиллашиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Сўнгги йилларда Навоий вилоятдаги 136 қишлоқ врачлик пунктида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароит яратилди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали ҳамда олтинга субфилиали, Она ва бола скрининг маркази, етти туманда саломатлик марказлари ташкил этилди.

Бундай ўзгаришлар тиббий муассасалар фаолиятини янада ривожлантириш имконини бермоқда. Навоий вилоти болалар шифохонаси қайта ташкирланиб, кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилди. 2009 йилда Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам бўлими замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Вилоят туғуруқ мажмуида таъмирлаш ишлари бажарилиди. Қамарна, Қизилтепа, Хатирчи, Нурута, Томди, Учқудуқ, Навбахор, Қонимех туманлари туғуруқ бўлимлари ҳам таъмирдан чиқарилиб, кўркам қиёфа касб этди. Қонимех туманидаги «Учтепа», Томди туманидаги «Кериз-

булоқ», «Аяққудуқ» қишлоқ врачлик пунктларига компьютер, Нурута туманидаги «Сентоб», Томди туманидаги «Аяққудуқ» қишлоқ врачлик пунктларига махсус автоматнашалар берилди.

Жойларда хусусий мулк шаклидаги тиббий муассасалар фаолиятини кенгайтириб, натижада ўзаро рақобат муҳити юзага келмоқда.

Навоий шаҳрида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш ва тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган йилгилишда шулар хусусида сўз юритилди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, тиббиёт бирлашмалари бош врачлари, қишлоқ врачлик пунктлари мудирилари иштирок этди.

Йилгилишда эришилаётган ютуқлар билан бирга соҳада йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам атрофича таҳлил қилинди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ врачлик пунктлари томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тез тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш, туғиш ёшидаги аёллар ўртасида тиббий маданиятни юксалтириш, бунинг учун тушунтириш ишларини янада кучайтириш, хотин-қизларни тиббий қўриқдан ўтказиш ишларининг изчиллигини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ 4 КУНИ

Шарҳ

қандай ўтди?

Мамлакатимизда Янги йил шоду хуррамлик ва орзу умидлар билан кутиб олинди. Президентимизнинг халқимизга йўлаган самимий табриги қалбларимизга қувонч, фахрифтхор бағишлади, эртанги кунга ишончимизни янада оширди. Арча байрамлари болалар қувончига қувонч улашмоқда. Шу кўтаринки кайфият билан янги йилнинг иш кунлари ҳам бошланди. Ҳўш, дунё мамлакатларида янги йилнинг дастлабки 4 кун қандай ўтди? Нима юз берди, қандай янгиликларга қўл урилди?

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро штати аҳолиси учун янги йилнинг биринчи кунини кўнглисиз бошланди: маҳаллий Фуқаро муҳофаази хизматидан олинган манбаларда қайд этилишича, Илья Гранд курорт оролида тинимсиз ёмғир ёғиши оқибатида энг йирик тупроқ кўчиси юз берди. Натижада тепалик пастидидаги меҳмонхона кўчки остидида қолди. 41 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Қўтарувчилар 28 кишининг жасадини лой остидан олиб чиқдилар.

Рио-де-Жанейродан 100 километр гарбда жойлашган Ангра-дус-Рейс шаҳрида ҳам ўша кун шундай фожиа юз берди. 13 киши қурбон бўлди. Кейинги фожиалар олдини олиш учун тоғ нишаблигида жойлашган уйларида яшовчи аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди. Шаҳари Рио-де-Жанейро билан боғловчи асосий автотрасса вақтинча ёпилди.

Покистонда эса 1 январь кун камикадэ томонидан террор содир этилди. «Associated Press» АА хабар беришича, Лакки Марват шаҳридаги стадионда волейбол мусобақиси ўтаётган пайтда автомобил тўла портловчи мослама портлатиб юборилган. 96 киши ҳаётдан бевақт

кўз юмди, юзга яқини турли даражада тан жароҳати олди. Портлаш кучли бўлгани боис стадион атрофидаги 20 га яқин уй вайронага айланди.

Келинг, яхшиси, кўнгилларда ваҳима уйғотувчи бундай воқеалардан эмас, балки сал бундайроқ ҳодисаларни баён қилайлик.

Литва аҳолиси янги йилдан кўп нарсани кутмаган бўлиши табиий. Негаки, мамлакат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан энг кўп жабр кўрган давлатлардан бири ҳисобланади. Унинг таъсири «кесиш» учун ҳукумат 1 январдан эътиборан пенсиялар миқдорини 4,7 фоизга, ногиронлик нафақаларини эса 2,2 фоизга қисқартиришга мажбур бўлди. «Литовский курьер» бу ҳақда хабар тарқатди.

Латвияда ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. «LETA» АА маълум қилишича, бу йил аҳолининг даромад солиғи амалдаги 23 фоиздан 26 фоизга оширилди.

«Washington Post» газетасида чоп этилган хабарда қайд этилишича, АҚШ маъмурияти ХХI асрнинг тарихга айланган дастлабки йилларини АҚШ иқтисодийи учун йўқотилган ўн йил» дея тан олди. Расмий статистика шундан дало-

лат бермоқдаки, 2000 йилдан бери мамлакатда иш ўринлари яратиш даражаси хануз ноль кўрсаткича турибди.

Умуман олганда, дунё мамлакатлари иқтисодийи жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан ҳали бутунлай қутулгани йўқ.

Исландиянинг йирик «Landsbanki»нинг «Icesave» интернет-банк бўлими эътиборан бўлгани боис унинг хорижий, аниқроғи, Буюк Британия ва нидерландиялик омонатчилари ҳам ўз маблағларидан айрилган эди. Декабрь ойидаги ҳукуматларо қелишув битимига кўра, Исландия маъмурияти хорижий омонатчиларга бюджетдан 3,8 миллиард евро миқдоридан тоvon пули тўлаши лозим. Тўлов 2014 йилгача тўлиқ амалга оширилиши назарда тутилган. Ҳозир парламент бу борадаги қонун лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Аммо мамлакат аҳолисининг чорак қисми ушбу тўлов амалга оширилишига қарши. Бу борада йилган имзо 2 январь кунини мамлакат президенти Олафур Рагнара Гримссонга жўнатилди.

Афғонистон парламенти мамлакат президенти Ҳамид


Карзай томонидан ҳукумат таркибини шакллантириш учун илгари сурилган 24 нафар номзоддан 17 нафарини рад этди. Парламентдаги яширин овоз бериш жараёни телевидение орқали тўғридан-тўғри намойиш қилинди. Номзодлар тасдиқланиши учун депутатларнинг 51 фоизи овоз бериши лозим. Аммо...

Карзай 28 январгача, яъни Лондонда Афғонистоннинг келгуси тақдири билан боғлиқ масала кўриб чиқилаётган халқаро конференция бошлангунча ҳукуматни шакллантиришни мўлжаллаган эди. Энди президент яна қайтадан янги номзодларни парламент тасдиғига тақдим этади.

Маълумки, ўтган йили августда Афғонистонда президент сайлови бўлиб ўтган. Унинг натижаларига кўра, Ҳ.Карзай деб эълон қилинган, аммо жаҳон ҳамжамияти эътирозидан сўнг, яъни сайлов жараёнида сабабли ноябрь ойида иккинчи тур сайловларини ўтказиш лозим. Ҳ.Карзай мамлакат президенти, деб расмий эълон қилинган.

Шимолӣ Корея маъмурияти эса мамлакат ҳудудида хорижий валютадан фойдаланишни 1 январдан тақиқлади.

«Reuters» АА хабарига қараганда, эндиликда нафақат мамлакат фуқаролари, балки хорижий фуқаролар ҳам савдо ёки хизмат учун тўловни доллар ёки евро, умуман, чет эл валютасида амалга оши-



рламайди. Ажнабийлар, албатта, ўз пулларини вонга алмаштириб олишлари шарт.

Эсингизда бўлса, ўтган йилнинг ноябрь охири ва декабрь бошларида, бир ҳафта муддатда пул қийматини ўзгартириш амалиёти ўтказилган эди. Ушанда эски 100 вон янги 1 вонга алмаштирилган. Ҳар бир оила учун 450 миң вонгача бўлган миқдорда пул алмаштиришга рухсат берилган. Мамлакат экспертларининг айтишларича, бу тадбир миллий валюта қувватини ошириш учун амалга оширилган. Аммо аҳоли мазкур пул ислохотидан норози. Негаки, бу тадбир натижасида ташқи савдо даражаси тушиб кетди, ички бозор эса қимматлашди.

Венесуэла ҳукумати ҳам янги йилда янги чорани амалга жорий этишга мажбур бўлди. Маъмурият савдо ва кўнгилочар марказлар ҳамда саноат корхоналарига электр энергияси етказиб беришда айрим чекловлар жорий этди. Яъни савдо ва кўнгилочар марказлар, кинотеатрлар эрталабки соат 11 дан кеч соат

21 гача, казинолар эса кеч соат 18 дан 24 гача электр билан таъминланади. Унча катта бўлмаган корхоналарга бир ойга 2 мегаватт, йирик корхоналарга эса 5 мегаватт миқдоридан лимит белгиланди. Мамлакат биринчилиги учун ўтказилаётган футбол ўйинлари кундузи уюштириладиган бўлди.

Шунингдек, бу чеклов барча истеъмолчилар олдида энергияни 20 фоиз иқтисод қилиш талабини кўяди. Бу талабни бузган шахс жарима жазосига тортилади.

Чеклов шаҳарлардаги кўча чироқлари ва реклама ҳамда бошқа безакли ёриткичлар ишлашини ҳам бир қадар қисқартиришни назарда тутди. Унга кўра, кўча ёриткичлари кеч соат 18 дан тунги 24 гача ишлайди ҳолос.

Мамлакат маъмуриятининг айтишича, ўлкада юзга келган кучли қурғоқчилик бундай тадбирни жорий этишга мажбур қилди. Чунки қурғоқчилик боис гидроэлектр станциялари фаолиятини изга солувчи қувват — сув тақчиллиги мамлакат миқёсидаги муаммага


айланган.

Чехияда ҳукуматнинг антиқа кўрсатмаси кучга кирди. 1 январдан эътиборан фуқаролар чўнтакларидан 15 граммгача бўлган оғирликдаги марихуана олиб юришига рухсат этилди. Ҳукумат қарорига кўра, бу жиноят таркибига кирмайди. «ЧТК» АА хабаридан ёзишларича, кимки ёнида 15 граммдан ортиқ марихуана, ёки 5 граммдан ортиқ героин, ёки 1,5 граммдан ортиқ кокаин, ёки 1 граммдан ортиқ перитин олиб юрса, у жиноий жавобгарликка тортилади.

Бельгияда 2007 йили ресторанларда сигарет чекиш тақиқланган бўлса, бу йилдан эса кафеларда ҳам чекиш тақиқланди.

Ана шунанга гаплар. Янги йил бутун дунёга тўлиқ қувонч олиб келди, дея олмайдимиз. Аммо доим олдинда интилиш, муаммоларни енгиб ўтиш, янги йилга янги режалар билан бориш инсониятга хос хислатдир.

Алимкул СУЛТОНОВ шарҳлади.



Замон билан ҳамнафаслик

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Туркиянинг «Тавсан» фирмасидан паррандачиликнинг компютер бошқаруви асосланган технология линиялар сотиб олиниб, 6 та цехга ўрнатилди.

Ҳозир парҳез гўштига мўлжалланган ҳар бирида 20 миң товуқ боқиладиган бу мажмуада ойига 100-120 тонна парранда гўшти ишлаб чиқарилиб, эл дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

— Тўрт-беш йилдан буён уйда ўтирган эдим, ҳозир шу ерда оператор бўлиб ишлайман, — дейди Раҳима Йўлдошева. — Иш шариоти жуда қулай. Қисқа фурсатда компютерни ҳам ўзлаштириб олдим.

Бу ерда бугун 120 миң парранда парварилмоқда.

Уртача иш ҳақи 140-150 миң сўм. Шунингдек, ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида



эътибор берилади, — дейди цех бошлиғи Абдували Охунов.

Мазкур корхона ўтган йили 1100 тонна гўшт ишлаб чиқарди. Аммо унинг истиқболи янада умидбахш. Чунки бу ерда яна 14 та цехни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ушанда ишчи-хизматчилар сони ҳозиргидан бир неча баробарга кўпаяди.

— Биз хориждан насли тухум келтириб, шу ерда очириб, бир

Тоғлар бағридаги Чимён қишлоғида аҳоли зич жойлашган. Экин майдони ҳисобли. Ушбу ҳудудда одамларни иш билан таъминлашнинг самарадор йўли ишлаб чиқариш корхоналарини кўпайтиришдир. Шу мақсадда ўтган 2009 йилда «Чимёнпарранда» МЧЖ таъсисчилари кўпгина янгиликлар жорий этишди.

— Фарғона вилоятининг Риштон, Ўзбекистон туманларидаги ўз фаолиятини тўхтатган паррандачилик фабрикалари ҳозирги кунда қайта таъмирланмоқда. — Бу корхоналарга замонавий технологик линиялар ўрнатилиши режалаштирилган. 2010-2011 йилларда босқичма-босқич реконструкция ишларини тугаллаб, бир неча юз янги иш ўринлари яратилади, — дейди Улғубек Примов.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Муҳимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчасидаги МХХ фахрийлар уйи биноларини мукаммал таъмирлаш», ҚМЙга.

Муддати: 28.02.2010 й.
Бошланғич нархи: —
75,686 млн. сўм ҚҚСсиз;

90,823 млн. сўм ҚҚС билан.
Буюртмачи: Фарғона вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.
Манзил: Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй.
Тел: 224-24-33.
Қурилиш-монтаж ишлари маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан молиялаштирилди.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолаш-

да мамлакатимиз пудратчиларига куйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига куйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда оферталарни очил кун ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

«ALSKOM» сугурта компанияси жамоаси компаниянинг Шаҳрисабз филиали директори Абдурахмон Ашуровга турмуш ўртоғи **Робия АБДУРАҲМОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ ҲАҚИДА ҲАҚИДА ҲАҚИДА

Дилшод НУРАЛИЕВ,
«Пахтакор» жамоасининг
1996 йилда туғилган
болалар жамоаси
мураббийи:



— Баркамол авлод йили ҳақида гапирадиган бўлсам, аввало, йилнинг номланишида ташаббус кўрсатган Юртбошимизга раҳмат айтмоқчиман. Энди биз янги йилда олдингидан ҳам кучлироқ шижоат билан ёшларни тарбиялашга, уларни спорт турларига жалб этишга ҳаракат қиламиз. Ўзбекистон ёшларини ватанпарварлик руҳида, «юртимиз байроғини юқорига кўтарадиган оловқалб фарзандлар қилиб тар-

биялаш зарур.
Бугун Фарход Тожиев, Собир Усмонхўжаев, Марат Бикмаев, Акмал Шораҳмедов, Мурод Холмухаммедов каби шогирдларим ўзбек

футболи ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келишмоқда. Келгусида ҳам албатта қобилиятли ёшларни топиб, тарбиялаймиз. Спортчи юқори чўққини забт этиши учун аввало, устозларнинг ўғитларини бажариши ҳамда тартиб-интизомга қаттиқ амал қилиши шарт. Шундагина у ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб улғаяди.

Истиқлол йилларида юртимизда спортга бўлган катта эътибор ва ғамхўрликнинг махсули сифатида кўплаб замонавий спорт иншоотлари қурилди. Баркамол авлод йилида бу каби хайрли ишлар, спортдаги ютуқлар янада кўпайишига ишонаман.

Ватан ҳимояси — олий шараф

Одам боласининг умри сон-саноксиз имтиҳонлару синовларга кечади. Бу ҳаёт қонуни, ундан ҳеч ким қочиб қутулмайди. Аммо, шундай касб эгалари борки, улар ҳар куни, ҳар соатда қутулмаган воқеаларга дуч келишади. Умрининг ҳар лаҳзаси мустаҳкам ирода, сабр-бардош, керак бўлса, жасорат талаб этади. Генерал майор Шухрат Ниёзовнинг ҳаёт йўли бунга ёрқин мисол бўла олади.



Ҳарбий касбга бўлган қизиқиши туфайли у ҳеч иккиланмай Саратов ҳарбий билим юртига ўқишга кириш учун жўнаб кетди. Уша пайтларда ўзбек боласининг ҳарбий ўқув юртига кириши осон кечмасди. Ўқиш ва амалиётлардан муваффақиятли ўтиб, лейтенант унвони билан она

ҳамкасблари, шогирдлари ўртасида гап кетса, «ҳақиқий генерал эди» деган сўзлар кўп такрорланади. Бу сўзлар замирида Шухрат Ниёзовнинг нафақат чўрт кесарлиги, жиддий ва қатъий қиёфаси айна чоғда мардлиги, ватанпарварлиги ётади.

У умрининг сўнгги йилларида Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғи бўлиб хиз-

ҲАҚИҚИЙ ГЕНЕРАЛ ЭДИ

юртига қайтади. Бу орада Муяссар опа билан турмуш куради. Соқилар бўлинмаси сардори бўлиб хизматни бошлаган ёш зобит олдинда ўзини қандай воқеалар, синовлар кутаётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Лекин ҳам жисмонан, ҳам руҳан ҳар қандай вазифани бажаришга тайёр ва қодир эди. Самарқандда батальон командири, бир хонали уй... Тўрт йилдан сўнг пойтахтга қайтиш... Икки фарзанд — икки ўғилнинг дунёга келиши... Бу орада «қайноқ нуқта»ларда бўлиш, яраланиш... Кейин Москвада ҳарбий академияда ўқиш...

турмуш ўртоғим Муяссарнинг хизматлари катта», деган сўзлар билан тан олди. Дарҳақиқат, Шухрат Ниёзов «Москвада ҳарбий академияда ўқиб юрган кезлари Муяссар опа уч нафар фарзанди билан эрининг стипендиясини қўтиб ўшади. «Москвада кўп қийналдик, — дейди Муяссар опа. — Олдин бировларнинг уйида, сўнгра ётоқхонада яшадик. Пулимиз етмас эди. Раҳматли олимлар Тошкентдан темир йўлчилар орқали у бу егүллик юбориб турар эдилар. Шундай қийналган вақтларимизда Шухрат акага «Жуда қийналиб қолдик бу ерга келиб, на бир яшаш жойимиз, на бир хотиржам кунимиз бор. Энди шунча қийинчиликлар учун сизни генерал бўлмагунингизча қўймайман», дердим ҳазиллашиб. Шу гап 1977 йилда бўлиб ўтган бўлса, 1999 йилда рўёбга чиқди. «Сабрнинг таги олтин», деганлари шу экан. Хизматлари зое кетмади».

Турмуш ўртоғининг фазилатлари ҳақида гапиратиб, Муяссар опа шундай дейди: — Очилиб-ёзилиб ўтирган пайтлари кам бўларди. Лекин бир марта чинакамига хурсанд бўлганларини кўрганман. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўзимизнинг Мудофаа вазирлиги тузилганлигини эшитиб роса қувонган эдилар. Чунки, бегона жойларда хизмат қилиб кўп қийинчилик ва ноҳақликларни кўрган эдик. Уларга генераллик унвони насиб этгани ҳам айнан мустақиллигимиз шарофатидан деб ўйлайман».

Шухрат Ниёзов ҳақида мат қилди. Унинг тажрибаси, ташкилотчилиги туфайли билим юртининг моддий-техник базаси яхшиланди. Бугунги ёруғ ва шинам ўқув хоналари, лабораториялар, кутубхона, ётоқхоналар, спорт мажмуи, ҳарбий дала полигонининг ташкил этилиши, яратилишида Шухрат Ниёзовнинг ҳиссаси катта бўлган. Билим юрти фаолияти билан танишиш истағида келган журналистларга у доим бир гапни такрорларди: «Юртбошимиз Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган дастлабки кунларданқ миллий кадрлар тайёрлашни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилади. Бизга ана шундай ўта масъуллилик вазифа ишониб топширилган. Ўқиш ниятида келган ёшларнинг нафақат жисмоний тайёргарлиги ва билими, балки шахсий турмуши, оиласи билан ҳам қизиқамиз. Ўз уйини, ота-онаси, туғилиб ўсган юртини чин дилдан севган кишигина улар учун кўксини қалқон қила олади».

Утган йилнинг айна шу кунлари Шухрат Ниёзов бевақт ҳаётдан кўз юмди. Аммо у катта ишларни амалга оширишга улгурди. Ватанимиз осийишталлиги, сарҳадларимизнинг ишончли ҳимоячиларини тайёрлаш ишларида фидойилик кўрсатди. Ўз юртига муносиб ўғлон бўлиб ўшади. Бундай инсонларнинг номи ҳеч қачон унутилмайди, ҳамкасблари, шогирдлари, яқинлари хотирасида абадий яшайди.

Ғофуржон АЛИМОВ,
журналист.

Мелоҳат ТИЛЛАЕВА, Бувайда туманидаги
2-Иқтидорли болалар мактаби директори:

— Ёш авлод тарбияси, уларнинг жамиятимизнинг илгор фикрли аъзолари бўлиб вояга етишлари, барчамизнинг зиммамиздаги энг олий масъулият, энг эзгу мақсадимиздир. Мухтарам Юртбошимиз, «Халқимизнинг эртанги кунни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишларига боғлиқ», дея бизнинг меҳнатимизга катта баҳо берган.

Илгари оддий мактаб сифатида фаолият юритган бизнинг илм масканимиз мустақиллик йилларида Иқтидорли болалар мактабига айлантирилди. Бугун-

ги кунда мактабимизда кўплаб истеъдодли ўқувчилар таълим олишмоқда. Улар туман, вилоят фан олимпиадаларида бир неча бора голиб бўлиб, республика босқичларида иштирок этишди.

Шунингдек, ўқувчиларимиз «Ҳалқимизнинг эртанги кунни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишларига боғлиқ», дея бизнинг меҳнатимизга катта баҳо берган.

Илгари оддий мактаб сифатида фаолият юритган бизнинг илм масканимиз мустақиллик йилларида Иқтидорли болалар мактабига айлантирилди. Бугун-



санъатга қизиқадиган, туман, вилоят, республика матбуотида мақолалари эълон қилинадиган ўқувчилар тақдирланадилар. Биз уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари учун барча имкониятларни ишга солаемиз.

Ҳамза ҲАМРОЕВ,
Каттақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси
Бош шифокори:



— Мутафаккирларнинг айтишларича, бахтинг ўндан тўққиз улуши соғлиқда экан. Жисмонан соғлом бўлган инсонгина юксак марралар сари дадил интилади. Баркамол авлодни вояга етказиш учун аввало, оилада соғлом турмуш тарзига эриша олишимиз, ёшлар онгидида тиббий маданият, тиббий билим кўникмаларини шакллантириб боришимиз муҳим аҳамиятга эга. Айниқса,

аналар ва болалар саломатлигига катта эътибор беришимиз керак. Мустақилликдан кейин ўтган йиллар мобайнида оналик ва болалик муҳофазасига оид

80 дан ортиқ қарорлар қабул қилинди. Тиббиёт ҳақини ривожлантиришга жуда катта маблағ ажратилди.

Туманимизда жойлашган 29 та қишлоқ врачлик пунктларининг барчаси замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган. Баркамол авлод йилида ҳам инсон саломатлигига хизмат қилувчи бу каби хайрли ишлар давом эттирилади, албатта.

Мен кириб келган Янги йил билан барча юртдошларимизни муборакбод этаман. Соғлиқ-саломатлик ҳамisha ҳамроҳимиз бўлсин!

Темур АЪЗАМ
ёзиб олди.

ЙИЛНИНГ НУФУЗЛИ МУСОБАҚАЛАРИ



Ўтган йил мамлакатимиз спортчилари нуфузли халқаро мусобақаларда 485 та медални қўлга киритди. Шундан 166 таси олтин, 151 тасини кумуш ҳамда 168 таси бронза медалларидир.

Янги йилда спортчиларимизни бир-биридан йирик мусобақалар кўтиб турибди. Айнан шу йилдан бошлаб айрим спорт турлари бўйича 2012 йилда Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпия уйинларига саралаш бахслари бошланади. Хитойда Осиё уйинлари ўтказилади. Илк бор Сингапурда ўсмирлар ўртасида Бутунжаҳон Олимпия уйинлари бўлиб ўтиши кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт тизимининг учинчи бўғини ҳисобланган олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада-2010» мусобақаларига Анджон шаҳри мезбонлик қилади.

СПОРТ СПОРТ

«БУНЁДКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

16-24 январь кунлари Москвада футбол бўйича анъанавий МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоғи халқаро турнири бўлиб ўтади. Унда мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Бунёдкор» (Тошкент) футболчилари юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Курияга кўра, тошкентликлар «Д» гуруҳида Арманистоннинг «Пюник», Литванин «Экранас» ва Молдованин «Дачия» жамоалари билан кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун кураш олиб боради. Мусобақанин бошқа гуруҳлари қуйидагича қўриниш олган:

«А» гуруҳи: «Днепр» (Могилев, Белоруссия), «Дордой-Динамо» (Норин, Қирғизистон), «Металлург» (Лиеная, Латвия), «Рубин» (Козон, Россия).

«В» гуруҳи: «Баки» (Боку, Озар-

бойжон), ХИК (Хельсинки, Финляндия), «Актобе» (Актобе, Қозоғистон), «Вахш» (Кургонтепа, Тожикистон).

«С» гуруҳи: «Динамо» (Киев, Украина), МТТУ (Ашхобод, Туркменистон), «Левадия» (Таллин, Эстония), Россия клублар терма жамоаси. Тақвимга мувофиқ, «Бунёдкор» вакиллари дастлабки учрашуви 16 январь кун Молдова чемпиони нати кумуш медали совриндори «Дачия» жамоасига қарши ўтказилади. Ҳамюртларимиз 17 январьда Арманистон чемпиони «Пюник», 19 январьда эса «Экранас» футболчилари билан куч синашдилар. Барча учрашувлар «Динамо» спорт манежиде ўтказилади.

Маълумотларга қараганда, мусобақанин финал учрашуви ва ёпилиши маросимига ФИФА президенти Йозеф Блаттер ва УЕФА президенти Мишель Платинининг келиши кутилмоқда.



Эркин ХОЛБОБО

ХАЁТ САБОҚЛАРИ

Хар йили қиш-қировли кунларда бир воқеа доим ёдимга тушади. Ўшанда даладан шаҳар ҳовлига жуда кеч кўчиб келдик. Даламиз эса Юнусобод, ҳозирги 17-шаҳар шифохонаси жойлашган масканда эди. Икки от қўшилган бричка аравага кўч-кўрону қоп-қоп туршак, олма қоқи ва ёнғоқ ҳам ортинган. Уларни авайлаб йўлакка жойлардик. Қўшни болалар арава атрофида гужгон ўйнаб, отга тегажоллик қилишар, жонивор ер тепиниб пишиқарди. Аравақаш қамчинни ҳавода визилатиб, болаларга ҳай-ҳайлаб кўярди.

Шу пайт ҳамisha узун катак қўйлак кийиб, бошидан шляпани қўймайдиган қўшнимиз — Мирқарим аканинг хотини келиб қолди. У онам билан эгачи сингиллардек кўришди. Кейин отам билан сўраша туриб, кўзига ёш олди.

— Яхши бўлмабди қўшни, — дедилар отам, — майли Аллоҳ тўзим берсин, бу кунлар ўтар, — дея таскин бердилар-да, юкларни саранжомлай бошладилар. Бу сўхтадан онажоним безовта. Отамнинг ёнига келиб, тинчликми? дегандек имо қилдилар.

— Тинчликка тинчлик. Бечораларнинг бошига тагин қор ёғибди. Мирқаримни яна Сибирга олиб кетишибди, — дедилар охиста.

— Шўрлик, ўзи яқинда қутулиб келганди-ю, — дедилар онам.

Мен ҳайрон бўлдим. Қанақа қор ёғибди, қачон ёғибди?.. Сўрамоқчи бўлсаман отам кўзига қаролмайман.

Юклар туширилди, кеч оқшом шамчироқни хира нурида овқатга ўтирдик. Шу пайт ашиқда қўшнимиз Мирқарим амакиннинг қизи Раиса кўрин-

ди. У онамнинг бағрига отиларкан, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди.

— Йиғлама онаш қизим, йиғлама. Онанг омон бўлсин. Адолат қарор топиб, отанг қайтиб келса ажабмас. Мана кўрасан ҳали, худо хоҳласа яхши замонлар келади, — деб унга таскин бердилар.

— Янги йилга арча ололмадик. Бир бог эркак супурги бераркансиз. Онам шундан арча ясарканлар, укаларим арча-арча, деб қўйишмаяпти, — деди тортиниб.

Отам туриб, супургидан бир боғини кўтарганча Раиса билан қўшиникига отланди.

Отам қайтгач, онамга шивирлаб: «Замона курсин. Ёзувчи бечорани тинггина китоб ёзишига қўйишмайди», — дедилар. Билдимки, ёзувчи Мирқарим Осимни яна қамашган, мурғак кўнглим гашланди. «Бевақт қор» ҳосиятсиз...

Янги йил келди. Қўшнимизниги хаммамиз чиқдик. Ўша отам берган эркак супурги кўм-кўк яшил рангга бўялган, шохчаларига турли хил ўйинчоқлар осилганча яшанб турарди. Атрофида шодон ўйнадик. Раиса она хаммамизга соғва улашди. Унинг ичиде тунов кунни боғдан олиб келинган туршак, олма қоқи, ёнғоқ бор эди.

Ушандай оғир замонларда ҳам одамлардан меҳр-оқибат кўтарилмаганини ўйлаб ҳаялға чумаман. Бунинг сабаби нимада?.. Халқимиз табиатиданми?.. Еки яхши одамлар фазилатими бу?.. Аниқ айтолмайман. Лекин меҳр-оқибат одамларни кўпдан-кўп фожиалардан асраб қолганига имон келтираман.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
233-21-43
(Tel. Faks)
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80
Mas'ul ko'nb
233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail:
info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili:
Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
14810 nusxada bosildi
T — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'z yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 22.50
1 2 3 5 6 7 8
Sohuvda erkin narxda